



Ислом Нури

Риёз шахридаги “Дорулватан” муассасининг илмий гуруҳи нашрга тайёрлаган.

Таржимон: Ибн Сирож

Бисмиллахи роҳмани роҳим

Бизларга хидоят йўлини аниқ – равшан қилиб кўрсатиб, қалбларимиздан гумроҳлик зулматини махв этган Аллоҳ Таъолога ҳамду-санолар, бутун оламга раҳмат ва роҳи-ростда юргувчиларга пешво этиб юборилган Росули Мустафога ва у зотнинг аҳли байти, саҳобалари ва уларга яхшилик билан эргашган – то рўзи қиёмат кейинги келгувчи – барча умматларига дуруд-салаватлар бўлсин!

Кейин...

Эй мусулмон биродарлар! Оғох бўлингларки:

Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг покиза, умри боқий тарихларини ўрганишга бағишланган соатлар – вақт инсон ҳаётидаги энг яхши, энг хайрли онлардандир. Зеро, мусулмон киши у улуг зот соллаллоху алайҳи ва саллам ва саҳобаларининг буюк ходиса ва воқеаларини ўқиётган пайтда, гўё у ўзини ўша марди майдон, довурак чин инсонлар билан бирга юргандек хис қилади.

Сийрати набавийя (пайгамбар тарихлари)ни таълим олиш билан, мусулмон киши хотамуннабийин – набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг шахсиятларидан турли қирраларга ҳамда ҳаёт ва маишатдаги услубларига, харбий ва тинчлик чоғидаги даъватларига воқиф бўлади. Яна у бу муборак тарихни дарс қилиш асносида қучсизлик ва қувват нуқталаридан, галаба ва мағлубият сабабларидан



Ислом Нури

ва турли мусибатлар келганда – хар канча улкан бўлса хам – кандай йўл тутиш зарур эканидан хабардор бўлади.

Мусулмонлар сийрати набавийяни таълим олишлари билан, ўзларига бўлган ишончлари ортади хамда, улар Аллохнинг шариятига бўйсуниб, Унга чинакам ибодат килар эканлар, албатта, У Буюк Зот улар билан бирга бўлиб, уларга нусрат беришига яна бир-карра, аник ишонч хосил киладилар.

Аллох Таъоло айтади:

«Эй мўъминлар, агар сизлар Аллохга ёрдам берсангизлар (яъни, Унинг Йўлида жиход килсангизлар), У Зот хам сизларга ёрдам берур ва (жанг майдонида) кадамларингизни собит-баркарор килур». (Мухаммад: 7)

«Албатта Биз пайгамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга хаёти дунёда хам, гувохлар (хозир бўлиб) турадиган Кунда (Киёматда) хам ёрдам берурмиз». (Гофир: 51)

«Албатта Аллох Ўзига (яъни, Динига) ёрдам берадиган зотларни голиб килур. Шубхасиз, Аллох Кучли, Кудратлидир». (Хаж: 40)

Биз ушбу мусохабамизда, “денгиздан бир томчи” кабилида Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо соллаллоху алайхи ва салламнинг сийратларидан бир неча сатрларни ёзмокчимиз. Максадимиз каттаю-кичик мусулмонлар ушбу умрибокий, муборак сийрати набавийяни чукуррок дарс килиб ўрганишлари учун уларга йўл очиб беришдир.

Аллох Таъоло деди:



Ислом Нури

«Мухаммад Аллохнинг Пайгамбаридир» (Фатх: 29)

Набий алайхиссалоту вассаломнинг муборак насаблари:

У зот: Абулкосим – Мухаммад Абдуллох ўглидирлар; Абдуллох эса Абдулмутталиб ўгли; У Хошим ўгли; Хошим эса, Абдуманоф ўгли; У Кусай ўгли; Кусай Килоб ўгли; Килоб эса, Мурра ўгли; У эса, Каъб ўгли; Каъб Луай ўгли; Луай Голиб ўгли; Голиб эса, Фихр ўгли; у Молик ўгли; Молик эса Назр ўгли; У Кинона ўгли; Кинона Хузайма ўгли; Хузайма эса, Мудрика ўгли; Мудрика Илёс ўгли; У эса, Музар ўгли; Музар Низор ўгли; Низор, Маъад ўгли; Маъад эса, Аднон ўглидир. Мана шу силсила Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва салламнинг насаблари хакида насабшунос олимлар ўрталаридаги иттифок килинган муборак насабдир. Яна улар Адноннинг, Аллохнинг Росули Исмойил алайхиссалоту вассаломнинг авлодларидан эканлигига ҳам иттифок килганлар.

(Пайгамбаримизнинг муборак насабларини ёд олмокчи бўлганлар учун мана бу кулайроқдир: Мухаммад ибн Абдуллох ибн Абдулмутталиб ибн Хошим ибн Абдуманоф ибн Кусай -й- ибн Килоб ибн Мурра -т- ибн Каъб ибн Луай -й- ибн Голиб ибн Фихр ибн Молик ибн Назр ибн Кинона -т- ибн Хузайма -т- ибн Мудрика -т- ибн Илёс ибн Музар ибн Низор ибн Маъад -д- ибн Аднон.)

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг исмлари:

Жубайр ибн Мутъим разияллоху анхудан ривоят килинган хадисда Росулulloх соллаллоху алайхи ва саллам айтдилар:

«Менинг бир неча исмим бор; мен Мухаммад, мен Ахмад, мен ал-



Ислом Нури

Мохий – Аллох Таъоло мен билан куфрни махв этади, мен ал-Хошир – одамлар (Киёмат куни) менинг оёгим олдига (яъни, менинг хузуримга) жам килинадилар, мен ал-Окиб – мендан кейин бошка хеч ким пайгамбар бўлиб келмайди (яъни, мен охирги пайгамбарман) (Бухорий ва Муслим томонларидан сахихлигига иттифок килинган хадис)

Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоху анхудан хам, ривоят килинади, у киши айтадилар: «Росулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ўзларини бизларга бир неча номлар билан номлаб, айтар эдилар: “Мен Мухаммад, Ахмад, ал-Мукаффий (охирги келувчи), ал-Хошир (тафсири ўтди), тавба Пайгамбари (яъни Аллох мен туфайли гунохларни кечиради) хамда рахмат Пайгамбариман”». (Муслим ривоятлари)

У зот соллаллоху алайхи ва салламнинг насабларининг тоза - покиза эканлиги.

Эй дўстим! Сизни хам, мени хам Аллох Таъоло ўз мархаматига муваффақ килсин! Билингки: “Барча халклардан фазилатлик килиб, танлаб олинган мухтарам пайгамбаримизнинг ота-оналарини зино деб аталмиш жирканч иллатдан Аллох Таъоло Ўзи саклади, у буюк зот соллаллоху алайхи ва саллам зинодан эмас, сахих никохдан тугилдилар”. Восила ибн Аскаъ разияллоху анхудан ривоят килинган хадисда Набий соллаллоху алайхи ва саллам айтадилар:

«Албатта Аллох азза ва жалла Иброхим авлодидан Исмоилни, Исмоил авлодидан Кинонани, Кинона авлодидан Курайшни, Курайшдан баний Хошимни ва баний Хошимдан эса, мени танлаб олди». (Имоми Муслим ривоятлари)

«Хиракл Абу Суфёндан Росулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг



Ислом Нури

насаблари хакида сўраганида, Абу Суфён: «У ичимизда насаб сохибидир (яъни тоза насаблик кишидир)», деган эди. Хиракл эса, унга жавобан: «Ха худди шундай (гапинг тўғри) Пайгамбарлар кавмларининг насаблик кишиларидан жўнатиладилар», деган эди». (Имом Бухорий ривоятлари)

Набий соллаллоху алайхи ва салламнинг тугилишлари:

Набий соллаллоху алайхи ва саллам рабиъул-аввал ойида душанба куни; шу ойнинг иккинчи, ёки саккизинчи, ёки ўнинчи, ёки ўн иккинчисида дунёга келдилар бу ҳақда ривоятлар турличадир. Ибн Касир айтадилар: «Саҳих ривоят шуки: У зот соллаллоху алайхи ва саллам "Фил йили" (яъни, Байтуллохни вайрон қилиш мақсадида Абраха номли кофир подшоҳ Маккага филлар билан бостириб келганда Аллох унга осмондан бало юбориб, ўзини ҳам, кавмини ҳам ҳалок қилган йилни тарихнавислар "Фил йили" деб атайдилар) тугилганлар. Имом Бухорийнинг устозлари Иброҳим ибн ал-Мунзир ал-Хизомий, Халифа ибн Хайёт ва бошқа уламолар ушбу ривоят саҳих эканлигига "ижмо қилинган" эканини накл қиладилар».

Сийрат олимлари айтадилар:

«Омина у зотга хомиладор бўлганида айтади: "Унда бир огирликни хис қилмадим, дунёга келган чогида у билан бирга бир нур чиқиб, машрику-магриб ўртасига зиё таратди"».

Ирбоз ибн Сория разияллоху анху бир ҳадисда айтади:

«Росуллох соллаллоху алайхи ва салламни эшитдим: «Албатта мен Аллохнинг ҳузурида, уммулқитоб (лавхулмахфуз)да хали Одам лойида,



Ислом Нури

ерга ташланган ҳолатида пайгамбар (деб битилган) эдим. Сизларга бунинг таъвилини айтиб берадиган бўлсам; – мен бобом Иброхим алайхиссаломнинг дуоси, Ийсо алайхиссаломнинг кавмига берган башорати ва онам кўрган тушидаги, ундан чиккан ва Шомдаги касрларни ёриштириб юборган нурдирман», — дедилар». (Имом Ахмад ва Табароний ривоятлари)

У зот соллаллоху алайхи ва саллам оналарининг корнида эканларида; бир ривоятда тугилганларидан бир неча ой, яна бир ривоятда эса бир йил кейин оталари вафот килдилар. Мана шу уч ривоятдан биринчиси яъни, оналарининг корнида эканликларида, тугилишларидан аввал оталари вафот килгани машхуррок ривоятдир.

У зот соллаллоху алайхи ва салламнинг сут эмишлари (сут эмиш масаласи арабларда ахамиятли бўлгани, хусусан унинг пайгамбаримизнинг тарихларида алоҳида ўрни бўлгани учун ҳам тарихнавислар пайгамбаримизнинг сут эмиш ходисаларини баён қилиш учун алоҳида боб ажратадилар):

У зотни аввал Абу Лахабнинг чўриси Сувайба бир неча кун эмизди. Кейин, эмизиш учун баний Саъд кабиласидан Халима Саъдияга берилди. (Чунки, баний Саъд кабиласи об-хавоси тоза сахрода яшарди. Об-хаво боланинг соғлом бўлиб ўсишлигида муҳим омилдир). Шундан сўнг Халима эмизди. Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам баний Саъд кабиласида, Халима хузурида тўрт йилча турдилар. Ўша кезларда (Оллох таоло томонидан юборилган икки фаришта орқали) у зот соллаллоху алайхи ва салламнинг кўкракларини очилиб, калбларидан нафс ва Шайтон насибасини чиқариб ташланди. (Бу ходиса у киши учун бир мўъжиза эди) Мана шу ходисадан кейин Халима Набий соллаллоху алайхи ва салламни ўз оналарига олиб



Ислом Нури

келиб топширди.

Кейин у зот соллаллоху алайхи ва саллам олти ёшликлариди, оналари Мадинадан Маккага кайтаётиб ал-Абво номлик ерда вафот топдилар. Росулulloх соллаллоху алайхи ва саллам Макка фатх этилган йили Маккага кетаётиб ал-Абводан ўтганларида, Роббилари Аллох азза ва жалладан оналарининг кабрини зиёрат килишга изн сўраган вақтларида изн бўлди, кабрни зиёрат килиб, йигладилар ва атрофдагиларни ҳам йиглатдилар ва: “Кабрларни зиёрат килинглар! У сизларга ўлимни эслатади”,— дедилар. (Имом Муслим ривояти) Оналари вафот килганидан кейин, у кишига оталаридан мерос бўлиб қолган чўрилари Умми Айман энагалик килди, боболари Абдулмутталиб эса, ўз қафолатига олди. Набий соллаллоху алайхи ва саллам саккиз ёшга кирганларида, у кишига амакилари Абу Толиб қафил бўлишлигини васийят килганидан кейин боболари Абдулмутталиб ҳам вафот килди. Шундан кейин у зотга амакилари Абу Толиб қафил бўлиб, яхши химоя килди ва Аллох Таоло у зотни пайгамбар килиб жўнатган пайтда Абу Толиб то ўлгунича мушриклигида давом этган бўлса ҳам, пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламни кўллаб-куватлади, кўп ёрдамлар берди. Аллох Таоло унинг бу ёрдамлари туфайли ундан дўзах азобини бир оз енгиллаштиради. Бу ҳақда саҳих ҳадис бор.

У зот соллаллоху алайхи ва салламни Аллох Таоло жоҳилийят чиркинликларидан саклаганлиги:

Аллох Таоло Набий соллаллоху алайхи ва салламни ёшликлариданок ўзи химоя килиб, жоҳилийятнинг барча айб ва чиркинликларидан пок саклаган ҳамда у кишига барча гўзал хулқларни ато этган эди. Кавмлари у зотдаги мужассам бўлган поклик, ростгўйлик ва



Ислом Нури

омонатдорлик каби ушбу гўзал хулklarни кўришгач, улар у зотга Мухаммад Амин деб ном беришган эди.

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг ёшлари ўттиз бешга етганда Курайш (яъни пайгамбаримиз кавмлари) Каъбанинг биносини янгилашди, Хажар ал-Асвадни ўз жойига кайтадан кўйиш масаласида ораларида каттик тортишув вужудга келди, ушбу шарафли ишни хар бир кабила ўзи амалга оширишни хохлади эди. Ўзаро бўлиб ўтган каттик тортишувдан кейин, манашу соатда Каъбага ким биринчи бўлиб кириб келса, ўша одам Хажар ал-Асвадни кайтадан ўз жойига ўрнатишига рози бўлиб турган бир пайтларида, биринчи бўлиб пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам кириб келдилар. Шунда улар хурсанд бўлиб: Амин биринчи бўлиб кириб келди, биз унга розимиз дедилар. Набий соллаллоху алайхи ва саллам (датурхонга ўхшаш) бир мато келтиришларига буюрдилар. Уни олиб келишгач, ўртасига Хажар ал-Асвадни кўйиб, хар бир кабила ушбу мато атрофидан кўтаришга буюрдилар. Сўнгра пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам Хажар ал-Асвадни олиб ўз жойига кўйдилар. (Имом Ахмад ва Хоким ривоят килдилар ва Хоким ушбу хадис саҳих дедилар)

Набий соллаллоху алайхи ва салламнинг уйланишлари:

Йигирма беш ёшга кирганларида Хадижага уйландилар. Уйланиш воқеаси куйдагича эди: “У зот соллаллоху алайхи ва саллам Хадижанинг молларини олиб, унинг гуломи (кули) Майсара (эркаклар номи) билан биргаликда Шом диёрига савдогарликка чикдилар. Майсара у зотнинг юриш-туришларини ва у кишидаги ростгўйлик, омонатдорлик каби гўзал хулklarни кўриб хайратда колди. Шомдан кайтгач, кўрганларини Хадижага айтиб берганида, Хадижанинг ўзи (рагбат билан) Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламга турмуш



Ислом Нури

куришни таклиф килди”.

Хадижа онамиз разияллоху анхонинг вафотлари ва кейинги хотинларига уйланишлари:

Хадижа разияллоху анхо хижратдан уч йил аввал вафот килдилар. Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам Хадижа онамиз тириклик пайтларида бошка уйланмаган эдилар. Хадижа онамиз вафот этганларидан сўнг, аввал Замъанинг кизи Савдага кейин Абу Бакр кизлари Оишага уйландилар. Оиша онамиздан бошка бокирага уйланган эмаслар. Сўнгра Умар инб ал-Хаттоб кизлари Хафсага сўнгра Хузайма кизи Зайнабга кейин Умму Саламага (исмлари Хинд Умайя кизи) сўнгра Зайнаб бинт Жахшга кейин Жувайрийя бинт Хорисга сўнгра Абу Суфён кизи Умми Хабибага (исмлари Рамла ёки, Хинд) кейин Хайбар фатх этилгач Хуйяй ибн Ахтабнинг кизи Сафийяга сўнгра ал-Хорис кизи Маймунага уйландилар. Энг охирги уйланган аёллари Маймуна онамиз эдилар. Хаммаларидан Аллох Таъоло рози бўлсин!

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг авлодлари:

Авлодларининг хаммаси - кизлари хам, ўгиллари хам - Иброхимдан бошкаси - Хадижа бинт Хувайлид онамиздан тугилдилар. Иброхим эса, Миср подшохи Мукавкас хадя этган чўри Мория Кибтийядан тугилдилар.

Ўгиллари: 1- Косим манашу Косим билан у зотга куня бериб, Абул-Косим дейилади. 2- Тохир. 3- Тоййиб. Бир ривоятда айтилишича пайгамбарликдан кейин бир ўгил кўрганлар исми Абдуллох мана шу Абдуллохни Тохир ва Тоййиб деб лакабланган. Бунга кўра Тохир билан



Ислом Нури

Тоййиб бир шахс. Иброхим эса Мадинада тугулди ва пайгамбаримизнинг вафотларидан уч ой аввал йигирма икки ойлигида (яъни икки ёшга тўлишига икки ой колганда) вафот килди.

Кизлари: 1- Зайнаб энг катта кизлари бўлиб, унга холасининг ўгли Абул-Ос ибн ар-Робий уйланган. 2- Рукайя унга Усмон ибн Аффон уйланганлар. 3- Фотима унга Алий инб Абий Толиб уйланганлар, жаннат ахли йигитларининг саййидлари бўлмиш Хасан ва Хусайн Фотиманинг ўгилларидир. 4- Умму Кулсум унга опаси Рукайянинг вафотидан кейин Усмон ибн Аффон уйланганлар. Хаммаларидан Аллох Таъоло рози бўлсин!

Имом ан-Нававий айтадилар: Кизлар тўртта эканлигида ихтилоф йўк ва сахих ривоятга кўра ўгиллар учтадир.